

Маҳалла раиси қайси йўналишларда ҳисобот беради?

2-с.

Ер “маҳалла еттилиги” таклифи асосида аукционга чиқарилса...

Тадбиркорлар ер сўраб мурожаат қилади. Аммо бу ер аукционга чиқмагунча, мурожаат ҳал бўлмайди.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 ЙИЛ
17 ОКТЯБРЬ,
ПАЙШАНБА

Mahalla

№64
(2202)

WWW.UZMAHALLA.UZ



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Хитой делегацияси Уюшма фаолиятини эътироф этди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Ланьчжоу партия қўмитаси котиби, Гансу провинцияси доимий партия қўмитаси аъзоси Чжан Сяосян бошчилигидаги Хитой делегацияси вакиллари Уюшма раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Республика Маънавият ва маърифат маркази директори Отабек Ҳасанов, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев билан учрашди.

Учрашув давомида Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари кенг муҳокама қилинди. Хусусан, мамлакатимиз маҳалла тизимидаги ислоҳотлар, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “маҳалла еттилиги” фаолияти хусусида меҳмонларга маълумот берилди.

“Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилганига кўп бўлмади, аммо натижалар анча салмоқли, ютуқлар катта. Шу боис сизнинг тажрибангизни ўрганишимиз ва буни провинциямизда кенг тадбиқ этишимиз жоиз, деб ўйлайман”, **— деди делегация раҳбари Чжан Сяосян.**

Учрашувда қатор масалаларда ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди. Ташриф давомида меҳмонлар Жиззах ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, маҳаллалар фаолияти билан яқиндан танишади.

Маълумот ўрнида: *Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси делегацияси бундан 3 ой олдин Хитой Халқ Республикасига ташрифи давомида ўрганган тажрибаси асосида “йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳудудларда ташкил этилган Маҳалла сервис компанияларида Хитой тажрибаси жорий этилмоқда.*

Шунингдек, Хитойнинг Сариқ дарё бўйида ташкил этилган аҳолининг спорт билан шуғулланиши, маданий хордиқ чиқариши учун яратилган шароитни Сурхондарё вилояти Денов тумани Қизилсув дарёси ҳамда Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Шовот канали бўйида тадбиқ этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

НЕМИС ТАЖРИБАСИ АСОСИДА КАСБГА ТАЙЁРЛАНАДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Немис халқ университетлари ассоциацияси — DVV International вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



Немис халқ университетлари ассоциацияси Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш, хусусан, ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Айни соҳага ихтисослашган Ўзбекистоннинг турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик ўрнатган.

Учрашув аввалида Ўзбекистондаги маҳалла тизими, Уюшма фаолияти хусусида маълумот берилди.

Ассоциация минтақавий директори Галина Веремейчик Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маҳаллаларда йўлга қўйилган “етилик” фаолиятини эътироф этар экан, бу ноёб тизим мамлакатда қисқа фурсатда ўзининг ижобий самарасини бера бошлаганини алоҳида қайд этди. Буни Ўзбекистонда камбағаллик даражасининг кескин камайиш кўрсаткичлари билан ифодалади.

Учрашувда ҳамкорликнинг келгуси истиқболлари белгилаб олинди. Жумладан, Уюшма ва ассоциация ишсиз фуқароларни касбга тайёраш, бандлигига кўмаклашиш, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш бўйича янги лойиҳаларни биргаликда амалга оширади.

2-саҳифада.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

Касби, ҳунари борлар ўз уйида банд бўляпти



Маҳалламизнинг асосий “драйвери” — мебелсозлик. Шунинг учун қарийб барча хонадонда ҳунармандчилик, мебелсозлик йўлга қўйилган. Ҳар бир хонадонда ўртача 2-3 та фуқаро шу иш билан банд. Ишсизликдан холи ҳудудмиз.

“Маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги натижасида оилавий қадриятлар мустаҳкамланиб, ҳудуд инфратузилмаси яхшиланмоқда, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Жорий йил “Бизнесни ривожлантириш банки”дан 6 нафар фуқарога 100 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. 321 нафар фуқарога узоқ муддатга фойдаланиш учун ер берилиб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” йуналишида деҳқончилик йўлга қўйилди. Йигирма нафар мигрант ватанга қайтиб, тадбиркорлигини бошлади.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

“Муносиб рағбатга эга бўляпман”

Бугунги кунда “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпман. Бунинг учун, аввало, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашяпман. Келгусида бирор йўналишда ишлаб чиқариш корхонаси очиб, ишсизларни ишли қилиш ниятидамиз. Бунинг учун имкониятлар етарли.

5-с.

Уйларига етиб олиш етти йилга қолдирилди

Нима эмишки, автомашина йўлда ўчиб қолгач, тунда кўчада қолиб кетмаслик учун улар Янгиҳаёт туманидаги кўчаларнинг бирида турган “Damas” автомашинасига миниб кетганмиш. Бироқ шунда ҳам уйларига етиб ололмаганмиш. Чунки йўлда “бағритош ва ҳиссиз” йўл-патруль хизмати ходимлари тўхтатган. Соддаликни қаранг!

6-с.

Хизмат доираси қисқарса, самарадорлик ортади

Қийналган, яқинларидан меҳр ўрнига қаҳр ва ғазаб кўриб яшаётган аёллар, афсуски, жамиятимизда ҳали ҳам учраб турибди. Аслида уларнинг ҳар бири севимли рафиқа ва келин бўлишга лойиқ. Фақатгина атрофидагилар ютуқларидан кўра, камчиликларини бўрттириб юборишган, холос.

7-с.

“ШАРТНОМА ТЎЛОВИНИ ҲАММАГА ҲАМ ТЎЛАБ БЕРА ОЛМАЙМИЗ”



4-с.

МЕҲНАТГА БАНД ОДАМДА ГАП-СЎЗГА ТОҚАТ БЎЛМАЙДИ



8-с.


Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



Президент ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Тошкент вилоятида 9 та лойиҳанинг қурилиши ва фаолиятига старт бериш маросимида иштирок этди.



Президентимиз Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов билан ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ мулоқот қилди.



Иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

Касби, ҳунари борлар ўз уйида банд бўляпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Одилжон ДАМИНОВ, Олтинкўл туманидаги “Ижтимоят” маҳалласи раиси.

Ўсиш нуқтамиздан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш, ёш ҳунарманд ва тадбиркорларга кўмак беришга интиляпмиз. Бу борадаги тажрибамиз туманда оммалаштирилди. Жорий йилнинг ўзида 51 та хонадонда мебелсозлик, 15 дан ортиғида хизмат кўрсатиш субъекти, 38 та иссиқхона ташкил этиб, 200 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳомийлар кўмагида 18 та хонадонга 850 та парранда, 8 та оилага қорамол, 121 та оилага мевали дарахт кўчатлари олиб берилди. Бундан ташқари, 35 нафар ёшлар ва аёлларга банкдан имтиёзли кредит ажратилди.

Ўз навбатида маҳалла инфратузилмаси яхшиланиб, Бирдамлик, Муҳандислар, Роҳатбахш кўчалари асфальтлаштирилди. Ҳурзамон кўчасига ичимлик сув тармоғи





тортилди.


Маҳаллада “Оқила аёллар” ҳаракати тузилган бўлиб, улар ўз фаолияти билан ёш келинлар, турмуш остонасида турган қизларга ўрнак ва ибрат бўлиб, кези келганда, йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Ёш қизлар ўртасида кийиниш маданияти, эрта никоҳ, эрта туғуруқ, соғлом турмуш тарзига амал қилиш каби мавзуларда тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари олиб бориляпти. Ёшларни ёт ғоялар ва мафкуравий таҳдидлардан асраш мақсадида ҳудуддаги таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида тегишли идоралар билан ҳамкорликда “Диний экстремизм ва унинг салбий оқибатлари”, “Одам савдоси — глобал муаммо”, “Қулликка рози бўлманг!” каби мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

“Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Президент фармони асосида ҳудудда қайта хатлов ўтказдик. Унга кўра, 5 та камбағал оила портрети шакллантирилди. Қисқа муддатда уларга керакли ёрдам кўрсатилди. Нигора Назирова ишсиз бўлгани учун “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. Унга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож Шаҳло Турдиева, Ҳуснида Ҳожиматова, Гулсора Шароповага 1 сотихли ихчам иссиқхона қуриб берилди. Улар ўзини ўзи банд қилди.

Маълумки, туман марказида ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш йўлга қўйилган. Аммо уйда ўтирган аёллар узоққа бориб, ўқий олмайди. Шу сабабли ҳар бир маҳалланинг ўзида касб-ҳунар маркази ташкил этилса, яхши бўларди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ҲАР БИР ЖАМОА ҒОЛИБЛИККА МУНОСИБ



Гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги” баҳсларининг ҳудудий босқичларига старт берилди.

Фарғона шаҳридаги “Само” спорт мажмуаси “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ташкил этилган мусобақанинг вилоят босқичига мезбонлик қилди. Унинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Шерзод Полвонов, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Адҳам Зиявитдинов дастлабки босқичдаги муваффақиятли иштироки билан жамоаларни қутлаб, вилоят босқичида барчага омад тилади.

Айтиш керакки, турнирнинг ҳудудий босқичида туман (шаҳар) босқичларида ғолибликни қўлга киритган 19 та маҳалла жамоалари ўзаро баҳс олиб борди. Ҳар бир беллашув қизиқарли жараёнларга бой бўлиб, ёшлар ўз маҳоратини намойиш этишди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни Қўштепа туманидаги “Файз” маҳалласи жамоаси қўлга киритди. Энди ғолиблар 3-6 ноябрь кунлари Андижон вилояти мезбонлик қиладиган республика баҳсларида Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қилишади.

Самарқандда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги” учун бу йил илк бор ўтказилаётган мусобақада 17-30 ёшдаги маҳалла ёшларининг 80 минг нафарга яқини қатнашиш истагини билдириб, рўйхатдан ўтишган эди.

Октябрь ойи давомида маҳаллалараро, туман (шаҳар) босқичлари кўтаринки руҳда ташкил этилди. Вилоят босқичида 16 та шаҳар-тумандан келган 160 нафар иштирокчи жамоавий таркибда ғолиблик учун қизғин баҳс олиб боришди. Шиддат ва шижоат беллашувига айланган ўйинлар якунига кўра, Самарқанд шаҳри ёшлари жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринлар мос равишда Иштихон тумани ва Нуробод тумани ёшларига насиб этди.

Мусобақа ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Эндиликда Самарқанд шаҳри жамоаси республика босқичида вилоят шаъни учун майдонга чиқади.

Мусобақанинг вилоят босқичлари давом этяпти.



ЙИЛ ЯКУНИДА КАМБАҒАЛ ОИЛА ҚОЛМАЙДИ

Ҳар бир инсон яхши шароитда яшаш, ҳаёт кечиришни хоҳлайди. Бунинг учун кўп нарса керакмас. Бирламчи эҳтиёж учун ичимлик сув, электр энергияси, табиий ёки суюлтирилган газ, йўл, транспорт, кейин транспорт-коммуникация инфратузилмаси, замонавий таълим ва тиббий хизмат зарур.

Сайфулла САМАТОВ, Дўстлик туманидаги “Саноатчилар” маҳалласи раиси.

Маҳалла аҳли бугун мана шу каби шарт-шароитга эга. Жорий йилда 10 километрлик ички йўллар таъмирланди, электр тармоғи учун 35 дона бетон устун, 1 дона янги трансформатор ўрнатилди, табиий газ, ичимлик ва оқова сув таъминоти ҳамда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди. Ҳозирда Мақсад ва Нурчилар кўчасининг 400 метр қисми шағалланяпти.

Маҳалладаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”даги жами 100 нафар фуқарога ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган 97 нафар фуқарога 2 миллиард 200 миллион сўмлик имтиёзли банк кредити ажратилди.

Тадбиркорлар кўмагида 1 та сунъий қопламали кичик футбол майдони, 20 дан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга тушди. Маҳалла ҳудудида “Саноат зонаси”, “Ёшлар кичик саноат зонаси” ҳамда “Микросаноат ва хизмат кўрсатиш маркази” ташкил этилган бўлиб, уларда 150 га яқин лойиҳа амалга оширилди. Натижада 1 300 та янги иш ўрни яратилди.

Яқингача ишсиз хотин-қизлар касб-ҳунар ўрганиш учун қўшни туманга қатнарди. Жорий йил Сайёра Ўроқова ўз ҳисобидан тикувчилик ва қандолатчилик йўналишида ўқув марказ ташкил этди. Бу ерда ойига жами 30 нафар хотин-қиз касб ўрганяпти.

Йил бошидаги ўрганишда аниқланган 50 нафар норасмий ишчининг 15 нафари расмий ишга жойланди. 30 нафари ўзини ўзи банд қилди.

2023 йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида маҳалла биносини қуриш ва жиҳозлаш учун 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланиб, бино фойдаланишга топширилди. Бу билан маҳалла фуқаролари ҳамда “маҳалла еттилиги” учун барча шароит яратилди.

“Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Президент фармони асосида хатлов ўтказдик. Унга кўра, 22 та камбағал оила аниқланди. Энг оғир аҳволдаги 5 та оила туман солиқ инспекцияси бошлиғига бириктирилди. Бугунгача 2 та оила камбағалликдан чиқарилди. Йил охиригача барча оилаларни камбағалликдан чиқариш белгиланган. Насиб этса, 2024 йил якунида камбағал оила қолмайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Набижон ҚОДИРОВ. Хатирчи тумани:

— “Маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра, “еттилик” аъзоларининг фуқаролар йиғини олдида ҳисобот бериши белгиланган. Фуқаролар йиғини раиси қайси йўналишларда ҳисобот бериши керак?

МАҲАЛЛА РАИСИ ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ҲИСОБОТ БЕРАДИ?



Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи:

— Маҳалла раиси фуқаролар йиғини олдида қабул қилинган қарорлар ижроси, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш, шу жумладан, маҳалла ободлигини сақлаш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш каби йўналишларда ҳисобот беради.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар, етим болалар, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, табиий офатлар ва техноген хусусиятли фавқулоддда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларга ёрдам кўрсатиш, “маҳалла еттилиги”нинг коллегиал қарорлари асосида кўрсатилган ижтимоий ёрдам, ажратилган субсидиялар, кексалар, айниқса, ёлғиз кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Кексалар маслаҳати” гуруҳи фаолиятини ташкил этиш бўйича қилинган ишлар сарҳисоб қилинади.

Шунингдек, қўйидаги яна бир қатор йўналишларда ҳисобот бериши белгиланган:

— байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш;

— жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

— маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасини шакллантириш, бошқа маблағлар ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини жалб этиш;

— долзарб муаммолар, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимлари, сектор штаби аъзолари, йўл қурилиши, электр энергияси, газ, сув, канализация, коммунал ва ижтимоий соҳа вакилларининг амалга оширган ишлари натижалари юзасидан сектор раҳбари ва Халқ қабулхоналарига киритилган маълумотлар ҳамда улар бўйича кўрилган чоралар;

— “маҳалла еттилиги”нинг бошқа аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш, баҳолаш ва уларни ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтириш ҳамда бу борада амалга оширилган жамоатчилик назорати натижалари;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларга жавобгарлик чораларини қўллаш юзасидан қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органлари ва ташкилотларга киритилган тақдимномалар ва уларнинг натижалари;

— “маҳалла еттилиги”нинг бошқа аъзолари фаолияти натижалари бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига киритилган ахборот ва унинг натижалари.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Йиғинда қандай жамоатчилик тузилмалари бор?

Файзулло АҲМЕДОВ. Гурлан тумани:

— “Маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилиши баробарида фуқаролар йиғини ҳузурида қандай жамоатчилик тузилмалари ташкил этилди?



Баҳром ҚЎШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мутахассиси:

— “Фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик тузилмалари тўғрисида”ги низомда ушбу тузилмаларнинг мақсади ва асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланган.

Унга кўра, фуқаролар йиғинларида “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси, “Аёллар маслаҳат кенгаши”, “Кексалар маслаҳати” гуруҳи, “Маҳалла назорати” гуруҳи ва “маҳалла еттилиги” жамоатчилик тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган.

Жамоатчилик тузилмалари қарорлари тавсиявий хусусиятга эга. Улар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида ошкоралик, коллегиаллик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойилларига риоя этган ҳолда амалга оширади.

“Маҳалла еттилиги”нинг мақсади маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишдан иборат.



Президент фармонига кўра, ТАШҚИ САВДО операциялари бўйича валюта назорати янада такомиллаштирилади.



“Стартап лойиҳалар ва венчур молиялаштириш экотизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Президент қарорига асосан, рақамли стартаплар дастури иштирокчиларининг айрим ХАРАЖАТЛАРИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“Имтиёздан фойдалана оламизми?”

**Гулчеҳра НУРМАТОВА.
Нукус шаҳри:**

— Маълумки, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилалар, болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар рўйхатига киритилганлар бир қатор имтиёзга эга. Жумладан, бу тоифадаги истеъмолчилар учун электр ва иссиқлик энергияси таъминотида юзага келиши мумкин бўлган қўшимча харажатларни қоплаш бўйича вақтинча компенсация жорий этилган.
Бизнинг оила “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилмаган, лекин “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида аниқланадиган қўшимча эҳтиёжманд оилалар сафига қўшилганмиз. Биз ҳам ана шу имтиёздан фойдалана оламизми?

**Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги медиа марказ раҳбари:**

— Бу масала Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тартибга солинган. Ҳақиқатан ҳам, қарорга кўра, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилалар, болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар бу имтиёздан фойдалана олади.

Бундан ташқари, Ягона реестрга киритилмаган, “маҳалла еттилиги” хулосаси асосида аниқланадиган қўшимча эҳтиёжманд оилалар тоифасидаги истеъмолчилар учун ҳам юзага келиши мумкин бўлган қўшимча харажатларни қоплаш бўйича вақтинча компенсация жорий этилган. Мазкур эҳтиёжманд оилалар учун иситиш мавсуми — ноябрь ойида 270 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам ўтказиб берилади. Шунингдек, электр энергияси ва табиий газ бўйича табиий газ учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 250 куб метргача, электр энергияси учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 150 кВт. соатгача миқдорлардаги истеъмол учун базавий меъёр доирасидаги ҳамда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ компенсация қилиб берилади.

“Маҳалла еттилиги” шакллантирган қўшимча рўйхатдаги эҳтиёжманд оилалар сони тегишли маҳалладаги Ягона реестрга киритилган оилалар сонининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари туман (шаҳар) бўйича Ягона реестрга киритилган оилалар сонининг 15 фоизидан ошмаган ҳолда, маҳаллалар кесимидаги эҳтиёжманд оилаларнинг қўшимча рўйхатига ўзгартириш киритиши мумкин.



ТАКЛИФ

Тадбиркорлар учун ижарага бериш тартиби қайта кўрилса...

Маҳаллада 21 та кўп қаватли уй жойлашган. 12 600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда ҳудудимиз кўркам манзилга айланди. “Драйвер” сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.



**Жамшид ҚОДИРОВ,
Янгиҳаёт туманидаги “Хушнуд” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Жорий йил бошидан бери 9 нафар фуқарога субсидия асосида асбоб-ускуна олиб бердик. Улар ўзини ўзи банд қилиб, қўшимча даромадга эга бўлди. Бундан ташқари, 13 нафар талабгорга имтиёзли кредит учун тавсиянома бердик.

Азиз Сафаров гўзаллик салони ташкил этиш истагини билдириб, имтиёзли кредит ажратиш бўйича мурожаат қилди. Унга “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, 100 миллион сўм маблағ берилди. Натижада 7 та иш ўрни яратилди.

Ўз навбатида “драйвер”имизни ривожлантириш бўйича таклиф билдирмоқчиман. Юқорида таъкидлаганимдек, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик — ўсиш нуқтамиз. Ўтган бир йиллик фаолиятимда кўплаб фуқаролар ижарага ер сўраб мурожаат қилди. Аммо уларга ёрдам бера олмадик. Чунки ҳозирда Тошкент шаҳрида бу жараён вақтинча тўхтатиб қўйилган. Таклифим, тадбиркорлик фаолияти учун ижара асосида ер ажратиш тартибини қайта кўриб чиқиб, аукцион танловини очиб бериш керак.

Ер “маҳалла еттилиги” таклифи асосида аукционга чиқарилса...

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “маҳалла еттилиги”нинг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Шу билан бирга одамларни рози қилиш учун ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ғоятда муҳим. Чунки йўл, ичимлик сув, электр энергияси таъминоти нафақат аҳоли яшаш сифатини оширади, балки кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига ҳисса қўшади.

**Рустам РАҲИМОВ,
Амударё туманидаги
Чойкўл овул фуқаролар йиғини
ҳоким ёрдамчиси.**

Жорий йил аҳолимиз ҳамжиҳатликда инфратузилмани яхшилаш мақсадида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига 1 400 метр асфальт йўлни таъмирлаш таклифини киритганди. Якунда ғолиблар қаторида эътироф этилдик. Бундан ташқари, Давлат дастури асосида “Қорақипчоқ”, “Шайхқалъа”, “Қассобқалъа”, “Чахчи” аҳоли пунктларига 4 та трансформатор ўрнатилди. Натижада электр таъминоти яхшиланди.

2023-2024 йилда 47 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниши натижасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланди. 19 нафар ишсиз аёллар ва ёшларга иссиқхона қуриш ҳамда асбоб-ускуна олишга субсидия ажратилди. Эътиборлиси, бу йўналишдаги ишлар жорий йилда тўхтаб қолмади. 33 нафар фуқаро имтиёзли кредит ҳисобига ўзини ўзи банд қилди. Янгидан 3 та юридик, 18 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 36 нафар ёшга ер майдони ажратилди.

Дилноза Эримбетова ишсиз сифатида рўйхатда турарди. Унга кўчма савдо дўкони олиб берилиб, автомобиллар ювиш хизматини йўлга қўйиш учун ер ажратилди. Бу билан ўзини ўзи банд қилиб, қўшимча 2 та иш ўрни яратди. Йилига 250 миллион сўм даромад топмоқда.

Маҳмуд Норбоев 2012 йилдан буён иссиқхонада деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиб келади. 2022 йилда 33 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига 3 сотих иссиқхона ташкил этди. 2023 йилда фаолиятини кенгайтириш мақсадида 1,5 гектар ер



олиб бердик. 7 йил муддатга 36 ой имтиёзли давр билан 14 фоиздан 230 миллион сўм кредит маблағи олишда кўмаклашиб, иссиқхона қурилишида амалий ёрдам бердик. Натижада 3 сотихли майдон 21 сотихга кенгайди. Бу ерда 3 турдаги бодринг етиштирилмоқда. Қиш ойида кўкат парваришлайди. Йиллик даромад 200 миллион сўмни ташкил этмоқда. Томчилатиб суғориш тизимининг жорий этгани сув захираси ва минерал ўғитни тежаш, шунинг эвазига ҳосилдорликни ошириш имконини бермоқда.

Тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун ер сўраб мурожаат қилади. Ўзига маъқул ҳудуддан жой кўрсатади. Аммо бу ер аукционга чиқмагунча, мурожаат ҳал бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир маҳаллада тадбиркор сўраган ер “маҳалла еттилиги” таклифи асосида аукционга чиқарилиши керак.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

ИССИҚХОНАДА БУЛҒОР ҚАЛАМПИРИ ҚАНДАЙ ЕТИШТИРИЛАДИ?

Ушбу савзавот тури иссиқхонада ҳам очиқ майдонлардаги каби яхши ўсади. Шунинг учун уни эртанги экинлар қаторида етиштириш мумкин. Эътиборлиси, иссиқхонада махсус иситгичларсиз бемалол парваришласа бўлади. Бунинг учун жойимиз икки қават “плёнка” билан ёпилади. Бу иш февраль ойининг охирига тўғри келади.



**Рустам НИЗОМОВ,
Сабзавотчилик, картошкачилик ва полиз экинлари илмий-тадқиқот институти директори.**

Кўчатлар январь ойидан бошлаб, юқори ҳарорат ҳосил қилинадиган махсус иссиқхоналарга экилади. Бу ерда улар керакли ҳарорат остида парваришланиб, февраль ойи охирларида бошқа жойга ўтқазилади. Кўчатлар махсус идишларда ўстирилади.

Улар орасини 30-35 см.дан, қатор ораларини 60-70 см.дан қилиб экилади. Фақат қуёш нури орқали иситиладиган иссиқхоналарда кўчатлар февраль ойида ва март ойининг илк кунларида экилганда иссиқхона ичига қўшимча яна бир қават “плёнка” ёпилиши керак. Чунки бу даврда ҳаво ҳарорати совуқ бўлиб, тунда тушадиган қировлар натижасида совуқ уриши мумкин.

Экишдан олдин тупроқ яхшилаб ўғитланади ва юмшатилиб, ишланади. Ерга аммофос, фосфор, озроқ миқдорда калий солиш мумкин. Маҳаллий ўғитларнинг яхши чиритилганларидангина фойдаланиш лозим. Янгиларини солиш мумкин эмас, чунки ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан, ўғитлар чиришни бошлайди ва тупроқни қиздиради. Натижада ўсимлик илдизини куйдиради. Энди мевага кирган ниҳоллар қурийди.

Янги экилган кўчатларга ҳар куни сув қўйиб турилади. Чунки қиш пайтида эгатлаб суғормаган маъқул. Шунда иссиқхона тупроғи қуруқ бўлиб, қуёшнинг ёруғида тезда исиб кетади, кўчатлар бемалол ўсади.

Ерга яхши ўрнашиб олгандан сўнг, ўғитлаш ва суғориш мумкин. Ўғитни кўчатга жуда яқин ҳам, узоқ ҳам солмаслик керак. Шу билан бирга эгатнинг суғориладиган қисмига бериш шарт. Чунки кўчатлар ҳали кичкина бўлгани учун, эгатнинг бир томонига экилган бўлади. Кейинчалик чопиқ қилиш жараёнида ўртасига олинади. Агар бу даврда ўғитни эгатнинг қуруқ томонига солиб қўйилса, намлик яхши етиб бормайди. Ёш ниҳоллар қуриб қолади. Ёки кўчат шоналари қуриб, тўкилиб кетиши мумкин. Бу ҳолат ўғитни ҳаддан ортиқ миқдорда кўп солинганда ҳам юз бериб, дастлабки олинадиган ҳосил нобуд бўлади.

Ўсув даврида ўсимликка ҳар галги суғоришда оз-оздан селитра, сулфат аммония каби ўғит бериш мумкин. Буни шарбат усулида суғориш билан қўшиб амалга оширилади.

Булғор қалампири 5-7 кунда суғориб турилади. Суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади. Оқариб, ялтираши билан териб олинади. Ҳосилнинг дастлабкилари кўчат экилгандан 40-45 кун ўтиб, кейингилари 20-25 кун давомида етилади. Уни 4-5 кун ўтказиб йиғиб олинади.

Иссиқхона ҳарорати 30-35 даражагача кўтарилиб, ўсимлик тўлиқ гуллашни бошлаши билан кундузи иссиқхонанинг икки чети очилиб, ҳавоси янгилаб турилади. Акс ҳолда гуллар ва мевалар тўкилиб кетиши мумкин.

Булғор қалампиридан ёзнинг июль-август ойларигача ҳосил олиш мумкин. Аммо бу пайтга келиб ўсимликнинг юқори қисмига чиқиб, майдалашиб кетади.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Ёлланма ишчига меҳнат стажи ёзилмайдими?

**Азизбек СОДИҚЖОНОВ.
Тошкент шаҳри:**

— Мен якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)га ёлланма шаклда ишга кирдим. Меҳнат шартномаси тузилди. Лекин буйруқ ҳам чиқарилмади, меҳнат дафтарчаси ҳам юритилмаяпти? Қонунчиликка кўра, ишлаган даврим меҳнат стажига киритилмайдими?



**Саидали МУХТОРАЛИЕВ,
ҳуқуқшунос:**

— Меҳнат кодексининг 507-513- моддаларида бу ҳолат батафсил тушунтирилган. Ушбу кодекснинг 508-моддасига кўра, ходим билан якка тартибдаги тадбиркор ўртасида меҳнат шартномаси уч нусхада тузилади. Улардан бири ЯТТда қолади. Иккинчиси ходимга, учинчиси давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Якка тартибдаги тадбиркор ёлланма ходимларни ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқни эълон қилмасдан амалга оширади. Қонунчиликда ходимларга меҳнат дафтарчаси юритилмаслиги белгиланган. Лекин 512-моддада ЯТТда ёлланиб ишлаш даври учун агар ижтимоий солиқ тўланса, ходимнинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши кўрсатилган. Меҳнат стажини ҳисобга олиш ижтимоий солиқ тўлаш тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Юқоридагиларга кўра, ижтимоий солиқ ўз вақтида тўлаб борилса, сиз ишлаган барча давр меҳнат стажингизга қўшилади.



Ўзбекистон ва Қатар ИШБИЛАРМОН ДОИРА вакиллари давра суҳбати бўлиб ўтди.



Энди жамоат транспорти учун ажратилган йўлакларда бошқа транспорт воситаларининг ҲАРАКАТЛАНИШИ ТАҚИҚЛАНАДИ.



ЎЗБЕКИСТОН СЕНАТИ делегацияси Парламентлараро иттифоқ ассамблеясида иштирок этмоқда.

МАНЗАРА

Иқтидорига мос имконият, шаҳдига муносиб шароити бор









Интернет тармоғида мунтазам видео ўйинларга вақтини сарфлаётган ёшларга ачинаман. Виртуал ўйинга бошқа билан шўнғиб, ундан қайтиб чиқолмайди. Натижада жамиятдан узилади, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мутлақо бефарқ бўлади. Хулқ-атворининг ўзгаришини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Ниҳоятда тажанг, ён-атрофдагиларга нисбатан тажовузкор феълини намоён қилади.

Сарвар КАМОЛОВ,
Қизилтепа туманидаги “Арабхона” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Айниқса, мактаб ёшидаги болаларнинг онгини турли ҳолатларга йўналтириш жуда осон. Маҳаллада жойлашган мактабда шунга ўхшаш ҳолат кузтилди: ўсмир дарсларга қатнашмай, телефон билан банд бўлган. Бола ўқитувчининг бир неча бор огоҳлантирганига қулоқ солмаган. Миллий гвардия ходими билан бориб, ҳолатни ўргандик. Боланинг телефонини текширдик, ичидан турли қўрқинчли видеолар, жангари ўйинлар чиқди. Тушундимки, бу вазиятда у билан ишлаш бироз қийин кечади. Чунки ўйин ичида яшаётгани боис бола жуда жиззаки бўлиб қолган. Уч ой давомида доимий назоратда тутиб, у билан якка тартибда шуғулландим. Руҳий зўриқиш бўлмаслиги учун қизиқишлари асосида спорт тўгаракларига жалб қилдик. Енгил атлетика, сузиш машғулотларини ёқтирар экан. Мураббийга бириктирдик. Ҳозир яхши томонга ўзгарган. Устозлари ўқишидан мамнун эканини билдирди.

Ёшларимизнинг спортда эришган натижаларидан сўнг уларнинг бу соҳага бўлган эътибори ва қизиқиши нақадар юксаклигини пайқаш қийин эмас. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида маҳалламиз ёшлари енгил атлетикада 1-ўринни қўлга киритди. Ютуқ учун маҳалламизда ҳамма жиҳозлари билан бирга болалар майдончаси қуриб берилди. Бундан ташқари, Зайниддин Шодиев “армрестлинг”, яъни қўл билан куч синашда туманда биринчи ўринни олди. Стол тенниси мусобақасида Одилжон Жумаев вилоятда муносиб қатнашиб, республика босқичига ўтди. Спортнинг дзюдо туридан Зулфия Ўринова вилоят биринчилигида ғалаба қозонди. Уларнинг ютуғи қолган ёшларга ўрнак бўлмоқда.

Имкониятдан келиб чиқиб, ваколатимиз доирасида ишсизларга турли ёрдам кўрсатишга интиляпмиз. Йил бошида хатловда аниқланган 8 нафар ёшнинг 6 нафари ишли бўлди, 15 нафарига кредит ажратилди. Маҳалла “драйвери”, асосан, чорвачилик ҳисобланади. Ҳудуддаги ёшлардан бири тадбиркорликни бошлаш учун иккиланаётганди, унга имкон қадар турли йўналишлар бўйича маслаҳат бердим. У чорвачиликни танлади. Айтишича, бу йил университетга ўқишга кира олмаган, аммо кейинги йил яна ўқишга ҳаракат қилиш учун тўгараккa қатнаяпти. Чорва қўшимча иш сифатида унга даромад келтиради. Ёш бўлса-да, унинг фикри мени хурсанд қилди. Унга 33 миллион сўм миқдорида имтёзли кредит олишида ёрдам бердим. Яна бир миграциядан қайтган ёшга асаларичилик билан шуғулланиши учун 30 миллион сўм кредит олишига кўмаклашдик. Ишни бошлаганига етти ой бўлди. Мавсум давомида 20 миллион сўм фойда қилди.

Ногиронлиги бор, аммо тадбиркорликни ривожлантириб, мустақил даромад қилишни истаган ёшларга алоҳида эътибор қаратаман. Нилуфар Ҳакимованинг оёғида нуқсони бор. Дастлаб у шахмат ўйнашга қизиқарди. Мусобақаларга олиб борар эдик. Яқинда у “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида касблар танловида иштирок этиш ниятида тикувчиликни танлади. Шу бўйича мономарказда ўқитиб, сертификат олиб бердик. Кейинчалик ҳам ногиронлиги бўлгани, ҳам ишсиз экани ҳисобга олиниб, тикув машинаси олиб берилди. Ҳозирги кунда уйида аёллар ва болаларга кийим тикади.

Давлат ишида ишлайман, деган ёшларни иш билан банд этишда қийинчиликка учрайман. Мутахассислиги бўйича иш ўринларини таклиф қиламан. “Ойлик маоши кам, оилавий харажатни қоплаб бўлмайди”, деб таклифимни рад этишади. Маъқул келмаса, тадбиркорликка йўналтираман. Бухоро давлат университети спорт факультетини битирган Акбар Арслонов ўз соҳасини танламай, тадбиркорлик қилишни афзал билди. У уйида сут маҳсулотларини қайта ишлаш цехини очган. Ҳозир катта тадбиркор. Қўшниларини иш билан таъминлаб, уларга маош тўлайди.

Спорт мусобақалари ва тадбирлар мактабнинг спорт мажмуасида ўтказилади. Баъзан бу ер турли мусабақаларни ўтказиш учун торлик қилади. Ўқувчилар ўйинни томоша қилишни истайди, аммо ҳаммаси ичкарига сиғмайди. Катта спорт мусобақалари учун спорт майдони қурилиши таклифини бераман. Бу мусобақалар ёшларни кўпроқ спортга жалб этишга хизмат қилади.

НИГОҲ

“Шартнома тўловини ҳаммага ҳам тўлаб бера олмаймиз”

Ёшлар етакчиси лавозимига тайинланишимдан аввал маҳаллада тиббиёт соҳасида фаолият юритардим. 10 йил давомида ҳудуддаги 661 та хонадоннинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, уларнинг саломатлиги учун масъул бўлдим. Қишлоқда мени танимаган, билмаган одам йўқ. Шу боис бўлса керак, маҳалла раиси ушбу вазифани бажаришимга шароит яратиб берди ва ёшлар етакчилигига тавсия қилди. Барчани яхши танийман учун ёшлар билан ишлаш менга қийинчилик туғдирмади. Улар ҳам ёнимга келганда муаммосини борича айтади.



Сирожиддин ҒОФУРОВ,
Чортоқ туманидаги “Балиқ кўл” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшлар, асосан, шартнома тўлови бўйича мурожаат қилади. Баъзан шароити ўртача, ота-онаси ойлик иш ҳақи оладиганлар ҳам ёнимга шартнома учун маблағ ажратишимизни сўраб келади. Охирги пайтда бу ҳолат жуда кўпайди. Мен уларга қонунда кўрсатилган меъёрларга асосан, ногиронлиги бор, шароити оғир бўлганларга ёрдам кўрсата олишимизни тушунтираман. Шу асосда оғир тоифадаги ёшларнинг 4 нафарига шартнома тўлови тўлаб берилди.

Йигит-қизларимиз орасида университетда ўқиш билан бирга, ишлаб, ўқиш харажатларини ўзи қоплайдиганлари ҳам бор. Жумладан, Асадбек Ҳасанбековнинг ота-онаси 1-гуруҳ ногирони. Унга 2,1 миллион сўм миқдорида шартнома пули ажратилди. Ўзи ҳам ота-онасига ёрдам бериш мақсадида ресторанда ошпаз ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Ойлик иш ҳақи 2 миллион сўм атрофида. Моҳидил Мамажонованинг оиласида ўзи билан 2 нафар акаси шартнома асосида таҳсил олади. Онаси “Аёллар дафтари”га киритилган. Отаси норасмий ишда ишлайди. Унга шартноманинг 50 фоизи тўлаб берилди.

Маҳалламизда 1 050 нафар ёш бор. Ҳозирги кунда улар орасида мутлақ ишсиз йўқ. Боғдорчилик, туризм ривожланган. Янги мактабни битираётган қизлар тикув цехида, болалар хусусий секторда ишлайди. Тадбиркорликни йўлга қўйган ёшлар талайгина. Аброр Аҳматов яқинда озиқ-овқат дўкони очди. Маҳалла марказида жойлашган эски бино бор эди. У ерда йигитнинг бобоси 10 йил аввал дўкон очган. Йиллар давомида бинодан фойдаланилмаган. Таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди. Акаси мавсумий ишда ишларди. Отаси билан гаплашиб: “Икки фарзандингиз ишсиз юрибди, уларга мана шу бўш турган бинодан дўкон очиб берайлик”, — дедим. Ҳомийлар бинони таъмирлаб беришди. Бир йилдан буён ака-ука дўкондан мўмай даромад қилади.

Ўзи ёш бўлишига қарамай, фермер хўжалиги раҳбари сифатида фаолият юритаётган Рустам Халиловни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатаман. Ўзи университетнинг сиртқи бўлимида ўқийди. Баҳорги мавсумда қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлади. Унинг ихтиёрида 10 гектар ер бор. Ернинг 1 гектарида картошка, маккажўхори экади. Қолганини ижарага одамларга бўлиб берган. 1 гектар ердан ҳар мавсумда 50 миллион сўмгача фойда кўради.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар — доимий эътиборимизда. Хусусан, 22 ёшли ногиронлиги бор тенгдошимизни автомактабда ўқитиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бердик. Ўтган йили 2-сектор раҳбарига бириктирилганди. Сартарош-усталарга шогирд тушиб, ҳунар ўрганди. Кейинчалик ўзи мустақил сартарошхона очиши учун жой ажратиб, кўчма бино қуриб бердик. Ҳозир ушбу ҳунар ортидан оиласига моддий ёрдам қилади.

Маҳалламизда спортга ошно ёшлар талайгина. Кечки пайтда мактаб спорт мажмуаси очиқ туради. Болалар у ерда бемалол шуғулланиши мумкин. Лекин футбол ўйнаш учун мини-футбол майдончасига зарурат бор. Футбол учун бошқа қишлоқларга боришади. Шунга кўра, мини стадион қуриб, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишимиз керак. Бу борада туман ҳокимлигига, ҳомийларга мурожаат қилишни мақсад қилганмиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нурбек ЭШОНҚУЛОВ. Ховос тумани:

— Мен ҳозир ишлаб турган лавозимимда 5 ой олдин “ҳайфсан” интизомий жазосини олган эдим. Энди Меҳнат кодексининг 140 моддаси тартибида ўз розилигим билан доимий бошқа ишга ўтказиляпман. Шунда 5 ой аввал мен олган интизомий жазо бошқа лавозимга ўтганим учун ўз кучини йўқотадими?

БОШҚА ИШГА ЎТГАНДА, ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТАДИМИ?



Жаҳонгир ЗОҲИДОВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи:

— Йўқ, интизомий жазо ўз кучини йўқотмайди. Меҳнат кодексининг 315-моддасига кўра, интизомий жазонинг амал қилиш муддати у қўлланилган кундан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Агар интизомий жазо қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида ходимга янги интизомий жазо қўлланилмаса, у интизомий жазога тортилмаган, деб ҳисобланади. Бу жараёнда интизомий жазо иш берувчининг буйруғи чиқмасидан автоматик тарзда тугалланади.

Иш берувчи интизомий жазони бевосита раҳбарнинг, касаба уюшмаси қўмитасининг илтимосномаси, шунингдек, ходимнинг илтимосига кўра бир йил ўтгунига қадар муддатидан олдин олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ушбу моддада назарда тутилган интизомий жазо тугалланиши ва олиб ташлаш қоидалари иш берувчининг ташаббуси билан кодекснинг 161-моддаси иккинчи қисмининг 4-5-бандларига мувофиқ, меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолда қўлланилмайди. Кодекснинг 138-моддасига кўра, ходим айнан ўша иш берувчида ишни давом эттирганда, унинг меҳнат вазифаларини ўзгартириш ходимни бошқа ишга ўтказиш ҳисобланади. 140-моддага кўра, ходимни бошқа ишга доимий ўтказишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб айтамизки, ходим доимий ёки вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, аввалги интизомий жазоси амал қилаверади, жазо ўз кучини йўқотмайди. Агар иш берувчи хоҳласа, интизомий жазони исталган вақт олиб ташлашга ҳақли.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ЭНДИ ТАЪЛИМ КРЕДИТИ ҲАММАГА АЖРАТИЛМАЙДИ. НЕГА?

2024-2025 ўқув йили учун олий ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талаба ва ўқувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинган.

Унга кўра, таълим кредитлари қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ажратилади:

1. Олий ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олиш учун таълим кредитини фақат кундузги таълим шаклида ўқиётган талаба ва ўқувчиларга ажратиш тизимини йўлга қўйиш амалга оширилади.

2. Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган иккинчи ва ундан юқори босқич талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсатгичи “3” дан паст бўлган тақдирда, тўлов-контракт суммасининг кўпи билан 80 фоизи миқдорида таълим кредити ажратиш амалиёти жорий қилинади.

3. Олий таълим ташкилотлари талабалари учун таълим кредити улар тўғрисидаги маълумот Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг kontrakt.edu.uz ва HEMIS ахборот тизимида, шунингдек, ўрта-махсус ва профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун улар тўғрисидаги маълумот prof.edu.uz ахборот тизимида мавжуд бўлган тақдирда ажратилади.

Ўз дастурий таъминотига эга бўлган олий ва профессионал таълим ташкилотлари таълим кредитини олиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимларига ўз ахборот тизимини интеграция қилиши ёки улардан фойдаланиши мажбурий ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирда тижорат банклари таълим кредитларини Марказий банкнинг асосий ставкаси — йиллик 13,5 фоиз миқдорда ажратяпти.





Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон туманлари ва Ангрен шаҳрида ТУРИСТИК МАСКАНЛАР кўпайтирилади.



Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосарлари — Э.Муҳитдинов ва Б.Алимбеков ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ.



Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ва Оҳангарон туманида 3 та йирик ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ ташкил этилади.

ЭСЛАТМА!

4 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ЮРТДОШИМИЗ СОЛИҚ ТЎЛАДИ, СИЗ-ЧИ?!

Жисмоний шахслар Солиқ кодексининг 423- ва 440-моддаларига мувофиқ, йиллик ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларини ҳар йили 15 апрель ва 15 октябрга қадар тенг улушларда тўлаши лозим. Жорий йилнинг 14 октябрь ҳолатига кўра, 4,2 миллион нафар жисмоний шахс 6 миллионта объектнинг 4,6 триллион сўм ер ва мол-мулк солиқларини тўлади.

Тўланмасдан қолаётган солиқ суммаси 3,5 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Шундан, 712 мингта объектда қарздорлик суммаси 1 млн. сўмдан юқори.

Муддатида тўланмаган солиқлар учун қандай жавобгарликлар белгиланган?

Солиқлар муддатида тўланмаган тақдирда, Солиқ кодексининг 110-моддасига кўра, кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун пеня ҳисобланади. Марказий банк томонидан 2024 йил 25 июлда асосий ставканинг йиллик 13,5 фоиз даражасида белгиланиши муносабати билан 25 июлгача тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,046(6) фоиз (14/300) миқдорда пеня ҳисобланиб келган бўлса, эндиликда 0,045 фоиз (13,5/300) миқдорида ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг солиқ қарзи умумий суммаси 1 млн. сўмдан ошса, суд орқали мол-мулки ҳисобидан ундирилади.

Жисмоний шахслар учун мол-мулк ва ер солиғи нима асосида ҳисобланади?

Кадастр органлари ер участкаси ва кўчмас мулк, уларнинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисидаги ахборотни солиқ органларига реал вақт режимида электрон шаклда тақдим этади. Ушбу маълумотлар асосида жисмоний шахсларга ер ва мулк солиқлари ҳисобланади.

Агар ҳали ҳам солиқларни тўламаган бўлсангиз, солиқларни тўлашнинг замонавий ва қулай усулларидан фойдаланинг! Бунинг учун сиз электрон тўлов тизимлари *("Soliq", "Click", "Payme", "Paynet" мобил иловалари)*, маҳаллага бириктирилган солиқ инспекторининг "SAYT" терминали ёки банк кассалари орқали тўлашингиз мумкин. Мобил телефонингизга "Солиқ" мобил иловасини юклаб олиб, FACE IDдан ўтган ҳолда, **"Солиқларни тўлаш"** бўлимидан ўзингиз ва ота-онангизнинг барча солиқларини бир ҳаракатда тўлаш имкониятингиз бор.

Солиқ мажбуриятини ўз вақтида бажаришни унутманг! Зеро, тўланган солиқлар Ватанимизнинг иқтисодий барқарорлиги ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Дилдора ҲОШИМОВА,
Солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати раҳбари.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

"Муносиб рағбатга эга бўляпман"

Мамлакатимизда яратилган янги солиқ тизими аҳолига тадбиркорлик билан шуғулланиш, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини беряпти. Буни "Навбаҳор" маҳалласида ривожланаётган тадбиркорлик йўналиши мисолида ҳам кўриш мумкин.



Умида АЗИМОВА,
Бухоро шаҳридаги "Навбаҳор" маҳалласи солиқ инспектори.

Бу борада "маҳалла еттилиги" ҳамкорлигида "Солиқчи – кўмакчи" тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислоҳотларидан хабардор этяпман. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган фуқароларга яқиндан ёрдам беряпмиз. Айниқса, тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтиряпмиз. Баъзан айрим тадбиркорларга бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботларини топширишга кўмаклашяпман. Муҳими, солиқ тўловчилар билан дўстона мулоқотни йўлга қўйдим.

Саъй-ҳаракатларимиз натижасида тадбиркорлар аввалгидек норасмий фаолият кўрсатишдан кўра, очиқ, шаффоф ишлаш афзаллигини ҳис қилиб бормоқда. Бугунги кунда маҳаллада 16 та юридик шахс, 96 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. 193 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, қўшимча 17,2 миллион сўм қўшимча манба аниқланди. Октябрь ойининг ўзида 3 та ишламай турган тадбиркорнинг фаолиятини тикладим, 5 та корхонада 9 нафар ишчи-ходимнинг фаолияти қонунийлаштирилди. 11 нафар ноқонуний ишлаётган фуқарони тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказдим.

"Навбаҳор" маҳалласининг йиллик солиқ тушумлари кўрсаткичи 833,5 миллион сўмни ташкил этади. Бугунга келиб бу режани 689,6 миллион сўмга ёки 82,7 фоизга бажардим. Шундан 10 фоизи "маҳалла бюджети"да қолади.

Хабарингиз бор, солиқ органларидаги ҳалол меҳнати туфайли бюджетга қўшимча маблағларни жалб этиб, белгиланган кўрсаткичлар бажарилишида намуна кўрсатаётган маҳалладаги солиқ инспекторлари моддий ҳамда маънавий рағбатлантириб келинмоқда. Хусусан, "маҳаллабай" ишлаш тизими бўйича вилоятда энг юқори кўрсаткични қайд этган ходимларга Солиқ қўмитаси раисининг ташаккурномаси берилмоқда. Мен ҳам охирги уч ой давомида республикадаги энг намунали маҳалла солиқ инспекторлари сафидан ўрин олиб, муносиб рағбатга эга бўляпман.

Бугунги кунда "маҳалла еттилиги"нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг "ўсиш нуқталари"ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпман. Бунинг учун, аввало, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашяпман. Келгусида бирор йўналишда ишлаб чиқариш корхонаси очиб, ишсизларни ишли қилиш ниятидамиз. Бунинг учун имкониятлар етарли. Фақат инвестор топилса бас.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Барно ЙЎЛДОШЕВА.
Тошкент шаҳри.

— "Солиқ" мобил иловамда онамнинг солиқ қарзи кўрсатилган, бироқ онам 2022 йилда вафот этган ва номидаги хонадон сотилган. Буни қандай бартараф этиш керак?

НОАНИҚ СОЛИҚ ҚАРЗИНИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИШ МУМКИН?

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Солиқ қўмитаси
бош инспектори:

— Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мол-мулк, уларнинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисидаги ахборотни давлат солиқ органларига реал вақт режимида электрон шаклда тақдим этиши шарт. Ушбу маълумотлар асосида солиқ органлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ерларига солиқларни ҳисоблаб чиқади.

Агар "Солиқ" мобил иловасида мол-мулк ва ер солиғи ҳисобланган объектларнинг ўзлари ёки уларнинг эгалари ҳақидаги маълумотларда тафовутлар аниқланса, Давлат кадастр палатасига мурожаат қилиш тавсия этилади. Кадастр органлари ўз маълумотлар базасидаги хатоларни тузатгандан сўнг, солиқ қарзи автоматик равишда бартараф этилади.

ТАРАҚҚИЁТ

"GIG" иқтисодиётнинг тадбиркорликка таъсири қандай?

"Гиг иқтисодиёт" тушунчаси замонавий меҳнат бозоридаги янги тенденциялардан бири бўлиб, асосан фрилансерлик, вақтинчалик иш ва мустақил пудратчилик каби турли шаклларда намоён бўлади ҳамда рақамли платформалар воситасида амалга оширилади. Ушбу иқтисодий моделнинг кенг тарқалиши интернет ва рақамли технологияларнинг сўнгги йилларда кескин ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Нодирбек ШЕРҒОЗИЕВ,
Салимжон БЕКМУРОДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти мутахассислари.

"Гиг" атамаси илк бор XX аср бошида жаз мусиқаси оламида пайдо бўлган. Унда ижрочилар турли жойларда бир маротабалик ёки қисқа муддатли концертлар учун келишувлар тузган ва бу турдаги келишувлар "гиг" (бир марталик чиқиш, "бирров") атамаси билан юритилган. **Кейинчалик бу атама иқтисодиётга кўчиб, меҳнат фаолиятида қисқа муддатли шартномалар ва келишувлар билан тавсифланувчи меҳнат бозорини акс эттирган.**

"Гиг иқтисодиёт"нинг умумэътироф этилган ягона таърифи мавжуд эмас. Айрим мутахассислар унга умумий таъриф беришдан чекинса, айрим тадқиқотчилар томонидан берилган таърифларда "гиг иқтисодиёт"нинг назарий асосларига оид концепцияларни тавсифлашда тафовутлар мавжуд. Шунга қарамай, айрим институтлар унинг иқтисодиёт тармоқларига таъсири ва **солиққа тортишнинг аҳамиятини инобатга олиб, қуйидагича таърифлаган:**

Биринчиси, "гиг иқтисодиёт" фрилансерлик ва қўшимча иш (side-hustle work) билан шуғулланадиган инсонларнинг меҳнат фаолиятини тавсифлайди.

Иккинчиси, "гиг иқтисодиёт" – бу талабга асосан, хизматлар ёки маҳсулот ва товарларни рақамли платформаларда тақдим этиш орқали иштирокчилари даромад оладиган меҳнат фаолияти.

Шунингдек, "гиг иқтисодиёт" "sharing economy", "access economy", "platform economy", "on-demand economy" каби муқобил номлар билан ҳам ифодаланади.

"Гиг иқтисодиёт" илм-фанда янги тушунча бўлмаса-да, сўнгги ўн йил ичида сезиларли даражада оммалашди. Ушбу давр ичида "гиг ишчилари"нинг (gig worker) кўпайиши замонавий технологияларнинг ривожланиши ва анъанавий, барқарор иш ўринларини топишнинг қийинлашиб бораётгани билан изоҳланади. Бир томондан рақамли платформалар истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларни боғлашда инсон омилининг спекулятив таъсирини камайтирган бўлса, бошқа томондан ушбу ноанъанавий меҳнат тармоғи қўшимча даромад топиш ва мослашувчан иш режими сабаб ишчиларни ўзига жалб қилмоқда.

АСОСИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

"Гиг иқтисодиёт" иштирокчилари рақамли платформалар ёрдамида битимларни масофадан туриб тузиш орқали ўз иқтисодий фаолиятини юритади. У қуйидаги учта иштирокчидан иборат:

Биринчиси, платформа компаниялар – харидорлар ва сотувчиларни ёки қисқа муддатли топшириқларни бажаришда иш изловчилар ва иш берувчиларни ўзаро боғлайдиган рақамли платформалар.

Иккинчиси, "гиг ишчилар" – "гиг платформа"ларида меҳнат фаолияти юритиш орқали даромад оладиган шахслар. Бу, асосан, фрилансерлар, вақтинчалик ходимлар, мустақил ишчилар ва мутахассислар, консультантлар, икки ва ундан ортиқ иш жойига эга ходимлар (moonlighters) каби турли соҳа вакилларини ўз ичига олади.

Учинчиси, истеъмолчилар – платформадан буюртма бериш орқали ўзининг маълум бир турдаги хизмат ёки товарга бўлган эҳтиёжини қондирувчи шахслар.

Сўнгги йилларда "гиг иқтисодиёт" меҳнат бозорларига сезиларли таъсир кўрсатди ва кўплаб инсонлар учун даромад олиш имкониятларини ўзгартиришга эришди. Бу жараёнда "гиг иқтисодиёт" модели анъанавий бандликдан технологик, инноватив жиҳатлари ва қулай меҳнат экотизими билан фарқ қилади.

Жаҳон банки ўтказган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, "гиг платформалар" орқали фаолият юритаётганларнинг салмоқли улуши (23,3 фоиз) иш тартибининг мослашувчанлиги сабабли ҳам "гиг платформалар" орқали ишлайди. Шунингдек, қўшимча даромад (17,8 фоиз), доимий даромаднинг камлиги (14,3 фоиз) ва меҳнат фаолиятидаги эркинлик (13,7 фоиз) каби омиллар ҳам муҳим ҳисобланади.



БИЗНЕСГА ТАЪСИРИ БОРМИ?

Маълумки, мавҳумлик (uncertainty) ва таваккалчилик (risk taking) тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас унсури ҳисобланади. "Гиг иқтисодиёт" ушбу омилларга турли йўллар билан таъсир қилиши мумкин.

Биринчидан, "гиг иқтисодиёт" тадбиркорлик тажрибасини ўзида акс эттириб, шахсларга тадбиркорликни ўрганиш ва иқтисодиёт соҳаларида тажриба тўплаш имконини беради. **Иккинчидан**, инновацион фаолият билан шуғулланишда тажриба қилиш харажатлари муҳим аҳамиятга эга. Шу сабаб, "гиг иқтисодиёт" бу жараёнларни тезроқ ва камроқ харажат билан амалга оширишда ёрдам бериши мумкин.

"Гиг иқтисодиёт"нинг тадбиркорликка, шу жумладан, тадбиркорликни ташкил этиш ва бизнес кўникмаларни шакллантиришига оид бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, 2012-2021 йилларда АҚШда 25-65 ёш оралиғидаги "гиг иқтисодиёт"дан даромад олганлар ва даромад олмаганларнинг янги корхона очиш эҳтимоли ўрганилганда "гиг иқтисодиёт"дан олдин даромад олган инсонларнинг янги корхона очиш эҳтимоли "гиг иқтисодиёт"дан даромад олмаганларникига қараганда 1 фоиз юқори бўлган.

Таҳлиллар "гиг ишчилар"нинг 3,5 фоизи янги фирма ташкил этгани ва аҳоли орасида бу кўрсаткич 0,7 фоиз эканини кўрсатмоқда. Яна бир жиҳат, аксарият "гиг ишчилар" томонидан айнан "гиг платформалар" орқали тажриба орттирилган йўналишларда *(асосан, транспорт, шахсий хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳасида)* **янги корхоналар ташкил этилган.**

"Гиг платформалар" замонавий технология ва иловалар ёрдамида инсонларни иш билан таъминлайди. Шу билан бирга, ўзининг самарадорлиги ва мижозларга қулайликлар яратиши билан ҳам ажралиб туради. Масалан, **АҚШда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики**, анъанавий такси ҳайдовчиларига қараганда "Uber" ҳайдовчиларида вақт бирлиги учун тўланган ҳақ миқдори 30 фоизга, масофа бирлиги учун тўланган ҳақ миқдори эса 50 фоизгача юқори.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) тадқиқотчилари хулосасига кўра, "гиг платформалар"нинг кириб келиши ва ривожланиши ишчига эга бўлмаган фирмалар сонининг ошиши ва **ўзини ўзи банд қилишга ижобий таъсир қилади.** Бундан ташқари, "гиг иқтисодиёт" хизматлар бозоридаги умумий нархлар даражасини барқарорлаштиради ва анъанавий бизнесга бўлган талабни сақлаб қолади. Сабаби, нархлар пасайиши ҳисобига бозорда хизматларга қўшимча талаб пайдо бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНДАЙ?

Ўзбекистонда "гиг иқтисодиёт" ҳали ривожланиш босқичида бўлса-да, бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган бу модель мамлакатимизда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Сўнгги йилларда мамлакатда интернет ва мобил технологияларининг кенг тарқалиши "гиг иқтисодиёт"нинг ривожланиши учун қулай шароит яратди. **"Гиг платформалар" айниқса, ёшлар, аёллар ва юқори малакага эга бўлмаган ишчилар учун янги имкониятлар яратмоқда.**

Мамлакатда бугунги кунда йўловчи ташиш ва етказиб беришда "Yandex", "Uzum", "Uklon", "Express24", "MyTaxi" каби, IT ва фрилансинг соҳасида "Upwork", "TopTal" ва "Freelancer" каби, иш излашга мўлжалланган "HeadHunter" ва "Olx" каби платформалардан фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, **Ўзбекистонда "гиг иқтисодиёт"да фаолият юритаётган ишчилар сонини аниқлаш мушкул.** Бунга асосий сабаб сифатида маълумотлар базасининг етарли эмаслиги, платформаларда "гиг ишчилар"га оид маълумотларнинг очиқ эмаслиги, шунингдек, айрим фуқаролар доимий иш фаолиятидан ташқари ҳам "гиг платформалар"да ишчи сифатида рўйхатдан ўтганини келтириш мумкин.

ТАКЛИФЛАР

Биринчидан, "гиг иқтисодиёт"нинг жадал ўсиши ва глобал миқёсда ноанъанавий бандлик шаклининг кенг оммалашганини инобатга олиб, меҳнат фаолиятининг ностандарт шаклларини таснифлаш *(гиг ишчилар, ўзини ўзи банд қилганлар, мустақил ишчилар ва ҳоказо)* ва соҳага оид статистик маълумотлар базасини такомиллаштириш зарур. Бу жараёнда "гиг платформалар"нинг иштирокчиларига оид *(фойдаланувчилар сони, айланма маблағлари, хизмат кўрсатиш тури, солиқ тушуми каби)* кенгайтирилган маълумотларни шакллантириш керак.

Иккинчидан, "гиг ишчилар"нинг ҳуқуқий ҳимояси ва меҳнат фаолиятида хавфсизлик стандартларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Учинчидан, меҳнат бозори шартларини ўзгартираётган "гиг иқтисодиёт"нинг сезиларли таъсирини инобатга олган ҳолда "гиг ишчилар" эҳтиёжига мослаштирилган тадбиркорлик ва касб-ҳунар таълимига оид ўқув дастурларини ишлаб чиқиш зарур.

Тўртинчидан, ўзини ўзи банд қилган фуқароларни потенциал тадбиркорлик субъекти сифатида қабул қилиш ва бу борада уларнинг ташаббусларини амалга оширишда **"ҳукумат-бизнес"** оралиқ институтларининг иштирокини таъминлаш, **"аҳоли – ўзини ўзи банд қилганлар – кичик тадбиркорлик"** занжири узлуксизлигини таъминлаш орқали мамлакатда тадбиркорликнинг барқарор ривожланишига шарт-шароит яратиш лозим.



ДХХ: Қадимий олтин тангаларнинг НОҚОНУНИЙ САВДОСИга чек қўйилди.



Ўзбекистонда «IV Тошкент АКСИЛКОРРУПЦИЯ ФОРУМИ» бўлиб ўтади.



Ярашув институтига кирувчи МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР доираси кенгайтирилди.

СУД ҲУКМИ

Уйларига етиб олиш етти йилга қолдирилди

“Биз анчадан бери иш излаётгандик. Ўша куни иш қидириб Яшнобод туманини роса айландик, ёнимизда пулимиз қолмади. Пиёда юриб чарчадик. Тунги соат бирларга яқин вақт эди. Кўчада транспорт воситалари тўхтамади. Уйга етиб олайлик деб, автотураргоҳда турган “Damas” автомашинасини миниб кетдик. Эртаси куни уни олиб келиб бермоқчи эдик. Аммо йўлда у ўчиб қолди. Ўша жойда қолдириб кетдик...”

Нилуфар ИСОХОНОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.

Бу кўрсатмани ўқиб, ишлаш иштиёқида оч-наҳор шаҳар кезиб иш қидирган, етмаганига пулсиз қолган йигитлар кўз олдингизга келгандир. Эҳтимол уларга хайрихоҳлик ҳисси уйғонгандир?! Лекин ўзларининг жиноий қилмишларини хаспўшламоқчи бўлган Бекзоджон билан Бахтиёрнинг жазодан қочиб қутилиш учун ўйлаб топган важ-карсонлари бу.

Нима эмишки, автомашина йўлда ўчиб қолгач, тунда кўчада қолиб кетмаслик учун улар Янгиҳаёт туманидаги кўчаларнинг бирида турган “Damas” автомашинасига миниб кетганмиш. Бироқ шунда ҳам уйларига етиб ололмаганмиш. Чунки йўлда “бағритош ва ҳиссиз” йўл-патруль хизмати ходимлари тўхтатиб, уларни ички ишлар органларига олиб келганмиш. Соддаликни қаранг!

Аслида бу икки навқирон йигитлар – Бекзоджон 2004 йилда туғилган, муқаддам 2019 йилда Бекобод шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 169-модда (“Ўғрилик”) билан судланган. Ҳамтовоғи Бахтиёр 2004 йилда туғилган, муқаддам судланмаган.

Бу икки паҳлавон транспорт воситасини олиб қочиш ва ўзлаштириш ниятида олдиндан тил бириктириб, 2023 йил 12 декабрь тунида Яшнобод туманидаги “Тарновбоши” маҳалла ҳудудида ўлжа қидира бошлайди. Ниҳоят фуқаро Толибга тегишли бўлган “Damas” автомашинасининг юкхона эшиги очиқлигидан фойдаланиб, юкхона орқали киришади. Қўлларидаги буюм ёрдамида руль қисмини ечиб, симларни улаш орқали ўт олдириб, олиб қочишга муваффақ бўлишган.

Аммо Янгиҳаёт туманида ҳаракатланаётган вақтда автомашина эҳтиёт қисмларига бўлиниб-бўлиниб пароканда бўлишини сездими, ўчиб қолди. Уни ўт олдиролмай хуноб бўлган икки “дўст” сўкина-сўкина автомашина ғилдиракларини тепиб, аламини оларкан, яна автоулов қидиришга тушишди. Бу сафар Янгиҳаёт туманидаги “Янги Чоштепа” маҳалласидаги уйлар ёнида турган фуқаро Улуғбекка тегишли “Damas” автомашинасига кўзи тушди. Уни ҳам очиб, юқоридаги усулда ўт олдириб, ҳайдаб кетишади.

– Йигитлар гапни бир жойга қўйиб, келишган ҳолда юқоридаги баҳонага таяниб туриб олишди. Гўёки, бу уйдирмаси айбларини ювиш учун дастак бўладигандек. Жиноят кодексида “тунда уйга етиб олиш” мақсадида ўзганинг транспорт воситасини олиб қочиш учун жазо йўқ, дейилмаган. Дастлабки тергов жараёнида ҳар бири ўзини жазодан асраб қолиш учун айбни бир-бирларига ағдара бошлашди, ***– дейди Яшнобод тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими бўлинма бошлиғи, майор Бахтиёр Абдухалилов.*** *– Тергов ҳаракатлари давомида ҳар иккисининг хатти-ҳаракатларига қонунан баҳо берилди ва таснифланди.*



Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди очиқ суд мажлисида ушбу жиноий қилмишни кўриб чиқиб, М.Бекзоджон ва Т.Бахтиёрни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 267-моддаси (“Транспорт воситасини олиб қочиш”) билан айбли деб топди. Мазкур кодекснинг 57-моддасини қўллаган ҳолда ҳар иккисини 7 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилди.

Йигитлар гапни бир жойга қўйиб, келишган ҳолда юқоридаги баҳонага таяниб туриб олишди. Гўёки, бу уйдирмаси айбларини ювиш учун дастак бўладигандек.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Доимий мулоқот, ҳуқуқий тарғибот жиноятчиликка барҳам беради

Қиличбой овули туман марказидан 18 километр олисда, Туркманистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Еттита аҳоли пунктидан иборат овулда саккиз мингга яқин фуқаро истиқомат қилади.

Мадад МАТЮСУПОВ,
Амударё туманидаги Қиличбой овул фуқаролар йиғини профилактика инспектори.

Аҳолининг аксарияти деҳқончилик – пахта, ғалла, қовун-тарвуз ва полиз маҳсулотлари етиштириб, даромад топишади. Маълум қисми тадбиркорлик – савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ва новвойчилик билан шуғулланади. Шу боис ишсизлик даражаси кам. Биласиз, ишсиз, бекорчилик бўлмаган жойда жиноятчилик ҳам бўлмайди. Айни пайтда Қиличбой овули жиноятчиликдан холи ҳудуд, “яшил” тоифада.



Бироқ бунга осонлик билан эришилгани йўқ. Бир йил олдин “қизил” тоифада эдик. Аввало, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонга кириб, профилактик суҳбатлар олиб бордик. Ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрдик. Номусга тегиш, баданга тан жароҳати етказиш каби илгари қайд этилган жиноятларнинг қайта такрорланмаслигига жиддий ёндашилди. Ҳар бир савдо дўконларидан ташқари, аҳоли кўп тўпланадиган, жиноят содир этилиши мумкин бўлган ҳудудларга қўшимча видеокузатув қурилмалари ўрнатилди. Ушбу қурилмалар ёрдамида ҳудуддаги ҳар бир ҳолатни доимий кузатиб бораман. Шунингдек, чегарадош ҳудудда бўлганимиз учун тунги кузатув назорат тадбирлари мунтазам давом эттирилмоқда.

Ҳар пайшанба – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида аҳоли пунктларида навбатма-навбат фуқаролар билан учрашиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказиб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтиряпмиз. Қувонарлиси, саъй-ҳаракатларимиз ўз натижасини кўрсатяпти. Яқинда бир фуқаро маст ҳолатда қўшни маҳалладан келган аёлларни калтакламоқчи бўлганида унинг олди олинди.

Асосий мақсадимиз — жиноятчини жазолаш эмас, жиноятчиликнинг олдини олишдир. Шу боис овулдаги иккита умумтаълим мактабида мунтазам профилактик тадбирлар ўтказиб, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни соғлом турмуш тамойиллари асосида тарбиялаш орқали ижтимоий жиҳатдан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Мактабларда ўқувчи-ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, фан ва спорт тўгараклари ташкил этилди. Қўшимчасига мини футбол стадиони ва спорт майдони бор. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун ҳар ҳафта ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирлар ўтказиб боряпмиз.

Тажрибамдан биляпманки, аҳоли билан доимий мулоқот, мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишлари орқали маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мумкин экан. Шу боис келгусида тарғибот ишларини янада кучайтириб, аҳолининг ўз овулини тинч-осойишта сақлаш масъулиятини ошириш ниятидаман. Бу борада биз, профилактика инспекторлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Биздан виждонан ишлаш талаб этиляпти, холос. Шу боис овулдаги хизмат уйимда яшаб, кечаю кундуз қиличбойликлар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизматдаман.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ботир ЗОКИРОВ.
Бухоро шаҳри.

– Корхона раҳбари мени ишдан бўшатмоқчи. Лекин пул бермоқчи эмас. Шу боис ишдан бўшатиш нафақаси тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

ХОДИМ ИШДАН БЎШАТИЛСА, ҚАНЧА НАФАҚА ОЛАДИ?

Дилшод ОҒАНИЁЗОВ,
Бухоро шаҳар Адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсульти:


– Меҳнат кодексининг 173-моддасига асосан, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда унга тўлаб бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси унинг меҳнат стажига белгиланган ҳолда тўланади. Унга кўра, ходимнинг меҳнат стажи уч йилгача бўлса, ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача, уч йилдан беш йилгача 75 фоизгача, беш йилдан ўн йилгача 100 фоизгача, ўн йилдан ўн беш йилгача 150 фоизгача, агар ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлса, ўртача ойлик иш ҳақининг икки юз фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, унга ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилмайди.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

“Квадробер” — “оммавий маданият”нинг янги тури...(ми?)

Сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда ёшлар ўртасида ўзини маълум бир ҳайвон қиёфасида акс эттирувчи аксессуарлардан фойдаланган ҳолда ўша жонзотнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш кўринишидаги квадроберлик субмаданияти намоён бўлмоқда. Бу каби воқеалар Қозоғистон, Россия ва Украина ёшлари орасида кузатилган.



Музифа СУЛТОНОВА,
ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти матбуот котиби.

Аччинарлиси, бундай номақбул ҳаракатлар Тошкент шаҳрида ҳам содир бўляпти. Хусусан, 10 октябрда ҳайвонлар қиёфасидаги ниқобларни тақиб олган “квадробер” учратилган, 11 октябрда эса яна бир “квадробер” йўловчиларга итга тақлид қилиб ҳужум қилган. Воқеага гувоҳ бўлган бола қаттиқ қўрқиб кетганлиги хабар берилган.

Мазкур ҳолатлар жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид бўлиб, бу каби хулқ-атворни мутлақо қабул қилиб бўлмайди.

Экспертлар фикрича, квадроберлик бола ўзига ҳайвонларнинг қўрқинчли ҳаракатларини қабул қилишига, ўзини ва атрофдагиларни жароҳатлашига, боланинг ҳали тўла шаклланмаган психикасига зарар етишига ҳамда унинг жамиятдан ажралиб қолишига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига биноан, **ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.** “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси боланинг ўқиши, тарбияланиши, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиши учун масъулдир. Шунингдек, вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ўз болаларини инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаши шарт.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши БҲМнинг **5 баробаригача** *(1 миллион 875 минг сўмгача)* **жаримага тортишга сабаб бўлади.**

Шу муносабат билан Ички ишлар вазирлиги ҳурматли ота-оналаримизни ўз фарзандларини ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш бўйича ўзларининг маънавий бурчлари ва қонуний мажбуриятларини бажаришга чақиради. Бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга масъул органлардан бири сифатида вазирлик шундай субмаданият намоён бўлиши ҳолатлари ота-оналар ўз мажбуриятларини бажармаслик сифатида малакаланишини маълум қилади.

Бундан ташқари, квадроберлик боланинг руҳий ва эмоционал соғлиғига қандай таъсир этганлигини аниқлаш мақсадида зарур ҳолларда болаларни махсус психологик кўрикдан *(конфиденциал тарзда, болани яккалаш ва дискриминация қилинишига йўл қўймайдиган дўстона усуллар орқали)* ўтказиш ҳам талаб этилиши мумкин.



Январь-сентябрь ойларида жами 11,73 трлн. сўмлик ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 4,1 фоизга кам.



Янги қонун лойиҳасига кўра, жисмоний шахсларнинг пилладан оладиган даромади СОЛИҚДАН ОЗОД ҚИЛИНИШИ мумкин.



ТЎЛАНМАСДАН КЕЛАЁТГАН мол-мулк ва ер солиқ суммаси 3,5 трлн. сўмни ташкил этмоқда.

ТАҚДИРЛАР

Синовлар сабр ва бардош билан енгилади

Ҳаётнинг турфа синов ва қийинчиликларини енгиб ўтиш осон эмас. Эҳтимол, бунинг учун қанчадан-қанча сабр ва бардош талаб этилар. Балки йўқотишлар, тўсиқлар ҳалал бериши мумкин. Лекин мустаҳкам ишонч ва тинимсиз ҳаракат билан инсон ўз олдига қўйган мақсадларига етиши аниқ.



Ўзимни имконияти чекланган сифатида қабул қилиш жуда оғир ботди. Оёққа туришим кераклигини такрор-такрор айтиб чарчамасдим.

Азиз МАШРАБОВ,
журналист.

Кечагина тўп тепиб юрган қумқўрғонлик Раим Маматқулов тўсатдан хасталикка чалинди. Чуқур текширувлардан кейин шифокорлар жарроҳлик амалиётини ўтказишга қарор қилишди. Афсуски, бир мартада кутилган самарага эришиб бўлмади. 5-6 қайта такрорланган амалиётдан сўнг Раим аканинг яна юриб кетишга ишончи қолмади. Тушкунликка тушиб, ётоққа михланиб қолди.

Халқимизда "Одам тафтини одам олади", деган гап бор. Ҳақиқатан, ташвишларни ёлғиз енгиб ўтиш мушкул. Бундай вақтда яқинларимизнинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёж туғилиши, табиий. Раим акани ҳам оила аъзолари, устоз ва шогирдлари доим ёнида бўлишди. Унга иродаси мустаҳкам, матонатли инсон эканини эслатиб, фақат олға интилишга ундашди. Аввалига тақдирга тан бериб яшаётган бу киши секин-аста ўзини тиклай бошлади. Гарчи оёғининг маълум қисмидан айрилган бўлса-да, яна тўп тепишга умид қила бошлади.

— Менга ногиронлик гуруҳи тайинлашмоқчи бўлганда, бунга сира рози бўлмадим, — дейди Раим Маматқулов. — *Ўзимни имконияти чекланган сифатида қабул қилиш жуда оғир ботди. Оёққа туришим кераклигини такрор-такрор айтиб чарчамасдим. Бу борада менга яқинларим ва маҳалладаги ижтимоий ходим катта ёрдам кўрсатди. "Инсон" маркази тақдим этган протез пойабзалда дадил қадам ташлаяман. Бошида анча қийин бўлди. Лекин яна қайта тўп тепиш иштиёқи менга куч бағишлади.*

Қаҳрамонимизнинг болаликдан футболга қизиқиши бўлакча. Шу кунгача бўш вақт топилди дегунча, стадионга йўл оларди. Икки йиллик дард азобидан кейин энди яна севимли машғулоти билан шуғулланишни бошлаяпти. Муҳими, барчасини енгиб ўтди. Саломатлиги яхши, кўнгли хотиржам.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги шу каби қийналган фуқароларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб, ижтимоийлашувини таъминлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Биргина инсоннинг ҳаётига нур олиб кириш билан қайсидир оиланинг мушкулини енгиллатмоқда. Уларнинг келажакка бўлган ишончини оширяпти.

БИЛАСИЗМИ?

"КЕЙС МЕНЕЖМЕНТ" НИМА?



Кейс менежмент — ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишнинг қатъий белгиланган тартибидир. Бу жараёнда хизмат олувчининг эҳтиёжлари баҳоланади. Кенг кўламли ижтимоий хизматларни режалаштириш, бошқариш ҳамда уларнинг кўрсатилиши, олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва эришилган натижалар таҳлил қилинади.

Кейс-менежментнинг асосий мақсади — ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва оилаларнинг оғир ҳаётий вазиятидан чиқишига ёрдам берувчи комплекс хизмат ва ёрдамларнинг сифатли, самарали ҳамда ўз вақтида кўрсатилишидан иборат.

Кейс-менежмент вазият ва ҳолат юзасидан ишларни юритиш, вазиятни бошқариш деб ҳам аталади.

Мазкур усул орқали ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш эҳтиёжманд шахслар ва оилалар ҳаётининг яхшиланишига ёрдам бериб, маҳаллий жамоатчилик ва жамият фаровонлигига эришилишига хизмат қилади.

"СУЮНЧИ ПУЛИ" МИҚДОРИ ОШДИ

Жорий йил 1 октябрдан фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пули ("суюнчи пули") миқдори оширилган. Бу ҳақда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги хабар берди.

Октябрдан Ўзбекистонда фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пули 738 150 сўмдан 811 965 сўмга оширилди. Бу энг кам иш ҳақи миқдори кўтарилгани билан боғлиқ. Яъни 1 октябрдан мамлакатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 1 155 000 сўм этиб белгиланган. "Суюнчи пули" миқдори унинг 70,3 фоизини ташкил этади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ТИББИЙ КЎРИК ЯШАШ ЖОЙИДА ЎТКАЗИЛАДИ



Ўзгалар парваришига муҳтож шахслар бир йилда бир маротаба бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Буни "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этади.

"Инсон" маркази ҳар йили 30 ноябрдан кечиктирмай, оилавий поликлиника билан биргаликда кейинги йил учун ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича реестрдаги маълумотлар асосида жадвал тузади.

Тасдиқланган жадвал асосида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишни йил давомида амалга оширади.

Заруратга кўра, ижтимоий ходим ассистенти ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишда ҳамроҳлик хизматини кўрсатади.

Касаллик ёки жароҳат туфайли беморни ташишга қарши кўрсатма бўлганда ҳамда эпидемиологик кўрсатмага мувофиқ, юқумли касалликка чалинган шахсларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ушбу шахсларнинг яшаш жойида ўтказилади.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Хизмат доираси қисқарса, самарадорлик ортади

Ҳаёт асли кўнгилдан бошланади. Инсон қалбан соғлом бўлса, турмушнинг ҳар қандай қийинчиликларини енгиб ўтади. Унга доимий куч бағишлаб турадиган манба — орзу, умид, ишонч ва мақсаддир.

Дилсора МУРОДОВА,
Навоий шаҳридаги "Бунёдкор", "Жанубий" ва "Тинчлик" маҳаллалари ижтимоий ходими.

Маҳалладаги эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган фуқаролар билан суҳбатлар чоғида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратаман. Агар суҳбатдошимнинг руҳи тетик, кўзлари кулиб турса, унинг муаммоларини тез ва осон ҳал қиламиз. Лекин тушкун кайфиятдаги, қалби кемтик кишилар билан узоқ ишлашга тўғри келади. Уларнинг шароитини яхшилаш, рўзғорини бутлашга қанча кўмаклашманг, ўзида интилиш ва хоҳиш бўлмагандан кейин бирор натижага эришиш қийин.

Шунинг учун ҳудудимиздаги 190 та кам таъминланган хонадон эшикларини қоқиб борар эканман, аввало, кайфиятига эътибор бераман. Бошида хушламайгина, совуққонлик билан қаршилаган оилалар, энди бизни интиқлик билан кутиб ўтиришади. Бирор ижтимоий ёрдам ва хизматимиздан кўра, суҳбатимизга муштоқ. Айниқса, 8 нафар якка-ёлғиз яшайдиган кексаларимиз билан жуда яқин бўлиб кетганмиз. Худди ота ёки она фарзандининг йўлига кўз тиккан каби боришимиздан умидвор. Ҳар бирининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бириктирилган ижтимоий ходим ассистентлари бозорлик қилиш, овқат тайёрлаш, кийимларини ювиш, дори-дармонларини олиб келишда беминнат ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

"Бунёдкор" маҳалласида яшайдиган 74 ёшли аёл турмуш ўртоғининг вафотидан кейин анча ёлғизланиб қолди. Ҳолидан келиб хабар оладиган фарзанди йўқ. Кўп қаватли уйда тургани учун зиналардан тушиб-чиқишга қийналаётган экан. Унинг шароитини яхшилаш мақсадида ёрдамчи тайинланди. Онахон кўрсатилаётган хизматлардан жуда миннатдор.

Шу кунга қадар хатлов ва мурожаатлардан келиб чиқиб, 32 та кейс очилди. 418 нафар ногиронлиги бўлган фуқаронинг ҳолати ўрганилиб, керакли ортопедик мосламалар билан таъминланди. 53 нафар чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар билан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг бир нечтасига васийлик тайинланди.

Тазйиқ ва зўравонлик қурбонига айланган аёлга "Бирламчи кўмак хонаси"да тиббий муолажалар кўрсатилди. Шундан сўнг 3 нафар фарзанди билан бирга 2 ой муддатга Аёллар реабилитация марказига жойлаштирилди. Биринчи навбатда, психологик ёрдам кўрсатилиб, қалб оғриқлари енгиллаштирилди. Керакли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, болалар нафақаси тайинланди. Ҳали мактабга чиқмаган 8 ёшли қизи ўрта таълим муассасасига боряпти. Кенжа фарзанди эса боғчага қатнаяпти. Ҳомийлар ёрдами билан янги иш бошлаши учун маблағ берилгач, савдо соҳасида фаолиятини йўлга қўйди. Муҳими, ўзини тиклаб олди. Ҳаёт шундай синовлардан иборат экани, уларни енгиб ўтиш кераклигини тушунди.

Шундай қийналган, яқинларидан меҳр ўрнига қаҳр ва ғазаб кўриб яшаётган аёллар, афсуски, жамиятимизда ҳали ҳам учраб турибди. Аслида уларнинг ҳар бири севимли рафиқа ва келин бўлишга лойиқ. Фақатгина атрофидагилар ютуқларидан кўра, камчиликларини бўрттириб юборишган, холос. Бир оғиз ширин сўз билан аёлни бутунлай бошқа инсонга айлантириш мумкин. Оилалар билан ишлаганда доим шу жиҳатларга эътибор беришларини сўрайман.



3 та маҳалламиз ҳудудидан 20 та ўта оғир аҳволдаги оила қамбағал сифатида танлаб олинган. Ҳар бир хонадонга масъул ташкилотлардан мутасаддилар бириктирилган. Ҳаммамиз биргаликда уларнинг камбағалликка тушиш сабаблари, кирим ва чиқимлари ҳамда муаммоларини синчиклаб ўрганяпмиз. Қандай ёрдам берилса, бу ҳолатдан чиқиб кетиши бўйича аниқ режалар ишлаб чиқиляпти.

Бу соҳа ходимдан катта масъулият ва сергакликни талаб қилади. Ҳеч кимни эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Баъзан жадвал асосида аҳоли хонадонларини айланиб юрган вақтимиз, бошқа ҳудуддан тезкор чақирув бўлиб қолади. Масофа анча узоқ. Агар ҳар бир маҳаллага бир нафардан ижтимоий ходим тайинланса, иш самарадорлиги янада ортган бўларди. Масалага чуқурроқ ёндашув, аҳоли учун кўпроқ вақт ажратиш имкони кўпаярди.



Жаҳон чемпионати саралаш босқичи 4-тури доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси БААни 1:0 ҳисобида МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТДИ.



Дзюдо: 16-18 октябрь кунлари Тошкентда ҳарбийлар ўртасида ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ аниқланади.



Бухорода ПЕНЧАК СИЛАТ бўйича барча ёш тоифалар ўртасидаги 8-Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда.

МАНЗАРА

Меҳнатга банд одамда гап-сўзга тоқат бўлмайди

Мусулмон Зафаров ва Ойгул Ҳамдамованинг турмуш қурганига роппа-роса қирқ йил бўлди. Бу қисқа муддат эмас, албатта. Инсон бир-бирини тушуниши, ардоқлаши учун етарли фурсат. Ҳақиқатан, уларнинг хонадонига кириб борар экансиз, ўзгача файзни ҳис қиласиз. Ҳар иккиси зиёли, узоқ йиллар мактабда ўқувчиларга билим беришган. 3 нафар фарзандининг тарбиясига эл ҳавасда.

Гулнора РАҲМАТОВА,
Пастдарғом туманидаги "Баҳор" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Бундай оилаларни қанча намуна қилиб кўрсатсак, шунча арзийди. Қўни-қўшни ва қариндош-уруғлар билан муносабатда, илму маърифат борасида ўрнак бўладиган жиҳатлари жуда кўп. Ҳозир нафақа ёшида бўлишига қарамай, кичик тадбиркорлик қилиш мақсадида савдо дўкони ташкил этган. Маҳалламиз ва жамият равнақи учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Оилаларнинг бахтли ва фаровон турмуш кечириши маҳалла тақдиридаги энг муҳим жиҳатлардан бири. Агар эр-хотин ўзаро келишиб, бир-бирига меҳр бериб яшаса, ўртада келишмовчилик, низо келиб чиқмайди. Маҳалла ходимлари вақтини кимнидир яраштириш учун эмас, фуқароларнинг бошқа мурожаатларини ҳал қилишга сарфлайди.

Лекин беш қўл баробар эмас. Юртчилик, ҳар хил одамларни, турфа тақдирларни кўриб келяпмиз. Учинчи шахс аралашуви, феъл-атворимиз мос келмади, деган баҳона билан уйидан жанжал аримайдиган оилалар бор. Жорий йилда шу каби 15 дан зиёд муаммоли вазиятларни ҳал қилдик. Афсуски, уринишларимизга қарамасдан, битта оилани сақлаб қолишнинг имкони бўлмади.



"Аёллар дафтари"га киритилган 30 нафар ишсизнинг деярли барчаси ишли бўлди. Кўпчилиги ижара асосида ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланяпти.

2007 йилдан буён маҳалла тизимида ишлаб келаётган бўлсам, доим асосий эътиборимни оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратганман. Бунда фуқароларнинг муносиб иш ўрнига эга бўлиши жуда муҳим жиҳатлардан бири саналади. Меҳнат қилган кишининг ортиқча гап-сўзга тоқати бўлмайди. Вақтидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Ҳудудимизнинг "драйвер"и — қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик бўлгани боис хотин-қизларнинг асосий қисми томорқадан даромад топади. Ҳовлисидаги 15-20 сотихли ерларда полиз экинлари етиштириб, рўзғорини бутлаяпти. Ортиқча маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб сотади.

Жорий йилда 10 нафар аёлга маҳалла тавсияси билан имтиёзли кредит ажратилди. Хусусан, Ҳамида Худойқулова 33 миллион сўм маблағ эвазига бир нечта қорамол харид қилиб, чорвачиликни йўлга қўйди.

"Аёллар дафтари"га киритилган 30 нафар ишсизнинг деярли барчаси ишли бўлди. Кўпчилиги ижара асосида ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланяпти. Айримлари тикувчиликни бошлади. Ҳамма қизиқиши ва имкониятидан келиб чиқиб, турли йўналишларда меҳнат қилмоқда.


Дилдора Хўжаева — маҳалламиздаги йирик тадбиркорлардан. 4 йилдан буён хонадонида ташкил этган хусусий боғчани юритиб келмоқда. 30 нафар тарбияланувчига 3 нафар ходим хизмат қилади. Келажакда фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштиряпти. Бундан ташқари, савдо дўкони ташкил этган бўлиб, маҳсулотлари анча харидоргир.

Маҳалламиздаги хотин-қизларнинг маънавиятини ошириш мақсадида тизимли равишда тадбирлар ташкил этиляпти. Юртимизнинг турли гўшаларига саёҳатлар уюштириб, вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қиляпмиз.

Аёлнинг турмушидан рози яшаши унинг рўзғор тутуми ва фарзандлар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатиши аниқ. Шундай экан, келажак авлоднинг муносиб тарзда вояга етиши учун барчамиз масъулмиз.

ЭСЛАТМА

ЁЛҒИЗ ОНА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА?



Қонунчилигимизда ёлғиз фарзанд тарбиялаётган оналар қуйидаги имтиёзларга эга:

- ✓ икки ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар қисман солиқ солишдан озод этилади;
- ✓ икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган фарзанд тарбиялаётган ёлғиз онанинг иқтидорли фарзандлари узлуксиз таълим олиши моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади;
- ✓ 14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон фарзанди бор ёлғиз оналар тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган тоифага киради;
- ✓ 14 ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз онага меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра, ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади;
- ✓ арзон уй-жойлар олишда ижтимоий устунликка эга;
- ✓ уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия олиш;
- ✓ болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишда устунлик берилади.
- ✓ 14 ёшдан кичик фарзандлари бўлган ёлғиз оналарни уларнинг розилигисиз ташкилий-штат тадбирлари муносабати билан контракт бўйича ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатишга йўл қўйилмайди.

ТАЖРИБА

Бизнесга иштиёқ уйғониб, даромад кун сайин ортяпти

Замирахон Толипова 5 йилдан буён тикувчилик соҳасида фаолият юритиб келмоқда. Кичик қизиқишдан бошланган иш катта тадбиркорликка йўл очди. Бугунги кунда унинг турмуш ўртоғи билан биргаликда ташкил этган "Bebek" хусусий корхонасида 50 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Шунингдек, 10 нафар шогирдига соҳанинг сир-асрорларини ўргатиб келяпти. Сифатли болалар кийим-кечакларини ички бозордан ташқари, қўшни давлатларга ҳам экспорт қилишни йўлга қўйди.

Одинахон ЗИЁЕВА,
Учқўприк туманидаги "Яккамулла" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Қаҳрамонимиздаги интилувчанлик ҳамда қизиқиш муваффақиятлари сари етаклаб келмоқда. Қолаверса, турмуш ўртоғининг доимий қўллаб-қувватлаши билан турли тўсиқ ва қийинчиликларни осон енгиб ўтмоқда. Эр-хотин иккиси шу касб ортидан 4 нафар фарзандни уйли-жойли қилишди. Ҳовлисида ташкил этилган 6 сотихли иссиқхонага экилган лимон дарахтлари бошини эгиб ҳосилга кирган. Фақат бир йўналиш билан чекланиб қолмай, вақтини самарали ўтказаётган бу аёлни маҳалламиздаги опа-сингилларимизга доим ўрнак қилиб кўрсатаман.

Ҳудудимизда 2 071 нафар хотин-қиз истиқомат қиладиган бўлса, ҳар бирининг севимли иши, кўзлаган мақсадлари бор. Меҳнатга лаёқатли аёлларнинг 70 фоиз қисми ишлаб чиқариш соҳасида банд. 22 та катта ҳамда 56 та кичик корхоналарда иш жуда қизғин. Қўқон бозорига яқин ҳудудда жойлашганимиз боис тадбиркорларнинг маҳсулотлари анча харидоргир. Мана, 4 йилдирки, аҳолининг бизнесга бўлган иштиёқи ортиб бормоқда. Кўпчилик фойдага чиқиб, яхшигина даромад топишни бошлаган.

Дилрабохон Қўлдошева тадбиркорлик қилиш истаги сабаб "Аёллар дафтари"га киритилган эди. Унга маҳалла тавсияси билан имтиёзли кредит ажратилгандан кейин махсус пишириш ускунасини харид қилди. Ҳозирги кунда қандолат маҳсулотларини пиширib, дастурхонимиз кўркига янада кўрк бағишламоқда. 15 нафар ишчиси билан доимий изланишда. Янгидан-янги рецептлар асосида тайёрлаётган маҳсулотларининг бозори жуда чаққон. Келгусида бошқа ҳудудларда ҳам бўлимларини ташкил этишни ният қилган.



Бугун аёлларнинг ўзига бўлган ишончи анча ортган. Мустақил иш бошлаётганларнинг деярли 80 фоизи фойдага чиқяпти.

Тадбиркорлигини йўлга қўйишни истаган опа-сингилларимиз билан алоҳида ишлашга ҳаракат қиламан. Биринчи навбатда, ўзига мос йўналиш танлаймиз. Маҳаллада ташкил этиладиган тадбирларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасини уюштирамиз. Харидор топишига ҳар тарафлама ёрдам берамиз.

Бугун аёлларнинг ўзига бўлган ишончи анча ортган. Мустақил иш бошлаётганларнинг деярли 80 фоизи фойдага чиқяпти. Қолганлари эса тажрибасизлиги ва ўзига мос бўлмаган йўналишни танлаганидан натижага эришиши бироз қийин кечяпти. Лекин улар ҳам тўхтаб қолаётгани йўқ.

Шу ўринда хотин-қизларга гулчилик, тўқувчилик, заргарлик каби ҳунарларни ўрганишни тавсия қилган бўлардим. Шу орқали уйда ўтирган ҳолда мўмай даромад топиш имкони мавжуд.

Раънохон Бўтабоева 2018 йилдан буён заргарлик қилиб келади. Кумушдан бир-биридан бежирим тақинчоқлар ясайди. Ота касбини муносиб тарзда давом эттириб келаётган ҳунарманд 20 нафар ёшга иш ўргатиб, бандлигини таъминлаган. Асосан, уйда ўтирган ногиронлиги бўлган фуқароларга хомашё етказиб беради. Улар хонадонида буюртмаларни тайёрлаб, иш ҳажмига кўра ҳақ олади. Раънохон опа республика ва халқаро миқёсида ташкил этилган кўргазмаларда қатнашиб, маҳалламиз номини элга танитмоқда.

Аёллар билан ишлашнинг ўзига яраша завқи ва шу билан бирга, масъулияти бор. Ҳамманинг феъл-атвори ва қизиқишидан келиб чиқиб гаплашиш талаб этилади. Айниқса, ҳаётда қийналган, эҳтиёжманд оила вакилларига кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Уларни бироз қўллаб, ўзини тиклашига кўмаклашсак бас. Қолганини ўзи бемалол эплаб кетади.

Маҳаллада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Аввало, опа-сингилларимиз учун саломатлик маркази ташкил этишни режалаштирганмиз. У ерда спортнинг бир нечта тури билан шуғулланиш имкони яратилади. Жисмоний фаоллик инсон саломатлигини мустаҳкамлаши билан катта аҳамиятга эга.

Қолаверса, аҳолининг маънавий дунёсини бойитиш мақсадида 2 000 дан кўпроқ китоб фондига эга кутубхона ташкил этганмиз. Фуқаролар ўзини қизиқтирган бадиий ва оммабоп асарларни хоҳлаган вақтида келиб мутолаа қилиши мумкин.

САЛОМАТЛИК

ДИАТЕЗГА НАСЛИЙ ОМИЛ ВА АЛЛЕРГЕНЛАР САБАБМИ?

Янги тутилган чақалоқнинг соғлом улғайиши ҳар бир онадан алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб қилади. Айниқса, гўдакнинг асосий таоми кўкрак сути бўлган пайтда аёллар аллергия чақирувчи маҳсулотларни истеъмол қилишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Акс ҳолда кичкинтойда диатез кузатилиши мумкин.



Илмира РОЗИҚОВА,
Республика ихтисослаштирилган аллергология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Бу касаллик кўпинча болаларнинг икки ойликдан икки ёшгача бўлган даврида бошланади. У, асосан, икки омилнинг қўшилиши, яъни наслий мойиллик ва аллергенлар натижасида юзага келади.

Аллергик реакциялар ривожланишига озиқ-овқат маҳсулотлари *(сигир сути, асал, ширинликлар, бошоқли донлар, шоколад, балиқ, цитрус ва қизил рангли ҳўл мевалар)* билан биргаликда ташқи таъсирлар *(чанг, кимёвий моддалар)* сабаб бўлиши мумкин.

Диатез терида, кўпинча юз ва бўйин соҳаларида қизаришлар ҳамда тошмалар кўринишида кузатилади. Тошмалар қаттиқ қичишади ва болакай безовталанади. У қуйидаги белгилар билан ҳам намоён бўлиши мумкин:

— терида яллиғланиш;
— бош соҳасида қазғоқ ҳосил бўлиши;
— иштаҳа пасайиши, тез-тез кекириш, кўнгил айниши, ич келишининг бузилиши, қорин соҳасида оғриқлар;
— бурун, томоқ, кўзларнинг яллиғланиши;
— уйқу бузилиши ва безовталаниш.

Шу билан бирга, ҳомиладорликда ўтказилган инфекцион касалликлар, тақиқланган дори воситаларини қабул қилиш, тамаки маҳсулотларини чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш туфайли болаларда диатез ривожланишининг эҳтимоли ортиб боради.

Диатезнинг бир неча тури бўлиб, улар касаллик белгилари билан фарқланади. Шу сабабли даволаш усулини аниқлаш учун беморни махсус диагностик текширувлардан ўтказиш талаб этилади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
6 700 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.